

АБДУЛЛАЕВА Раъно Гафуровна,Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси катта
ўқитувчиси

ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

УДК: 330.1 (330.8)

ББК: 65.29

АБДУЛЛАЕВА Р.Г. ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

Мақолада ҳунармандчиликнинг тарихий тараққиёти ва унинг шакллари, режали иқтисод давридаги ҳолати, мустақиллик йилларида соҳа тараққиёти учун яратилган имконият ва имтиёзлар, бугунги кунда уни ривожлантиришнинг институционал асослари ёритилган. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг «Ҳунармандчилик маҳсулотлари учун сифат белгиси» дастурининг Жануби-Шарқий ва Марказий Осиёда ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш йўналишлари акс эттирилган.

Таянч иборалар: ҳунармандчилик, ҳунармандлар кооперацияси, маҳаллий саноат, артель, «Ҳунармандчилик маҳсулотлари учун сифат белгиси», уй ҳунармандчилиги, буюртмага асосланган ҳунармандчилик, бозорга асосланган ҳунармандчилик.

АБДУЛЛАЕВА Р.Г. ИСТОРИЧЕСКИЕ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ РЕМЕСЛЕННОЧЕСТВА

В статье показано историческое развитие ремесленничества и его формы, судьба в годы плановой экономики, созданные льготы и преференции в годы независимости, институциональные основы развития ремесленничества на сегодняшний день, также показаны поддерживающие направления программы ЮНЕСКО «Знак качества для ремесленных изделий» ремесленников Юго-Восточной и Центральной Азии.

Ключевые слова: ремесленничество, кооперация ремесленников, местная промышленность, артель, «Знак качества для ремесленных изделий», домашнее ремесленничество, ремесло на заказ, ремесло на рынок.

ABDULLAEVA R.G. HISTORICAL AND INSTITUTIONAL BASICS OF HANDICRAFT DEVELOPMENT

In the article are discussed historical development of handicraft and it's form, it's fate in the years of state-planned economy, created graces and preferences during independence years, institutional basics of handicraft development nowadays. Moreover there is shown UNESCO's supporting directions and program: «Quality status stamp for handicraft products» of handicraftsmen of Southeast and Central Asia.

Keywords: handicraft, handicraftsman cooperation, local industry, workmen's cooperative association, «Quality status stamp for handicraft products».

Хунармандчилик қадимги даврлар, яъни инсониятнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан биргаликда пайдо бўлган, деб айтилади.

Айнан, ана шу қадимги давр қачондан бошланганлиги ҳақида тўхталиб ўтсак. Археологларнинг Африка ва Ява оролида олиб борган тадқиқотлари сайёрамизда одамлар 3-3,5 миллион йиллардан бери яшаб келганлигини кўрсатади¹ ва бу давр қадимги палеолит даври деб аталади. Бу давр ва ундан кейинги мезолит даври одамларнинг термачилик ва овчиликка асосланган турмуш тарзи табиатдаги тайёр нарсаларни ўзлаштириш, истеъмол қилиш хўжалиги деб ҳам аталади. Учинчи давр неолит – янги тош даври бўлиб, унга милоддан аввалги 6-4 мингинчи йиллар киради. Неолит даври одамларнинг деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик орқали истеъмол қилинадиган маҳсулотларни ўзлари яратишга асосланган турмуш тарзи, ишлаб чиқариш хўжалиги шаклланган босқич, деб ҳам аталади. Демак, хунармандчилик тараққиёти неолит давридан, яъни милоддан аввалги 6-4 мингинчи йиллардан бошланган. Бу даврда тош қуроллари орасида тошболталар, поналар, исканалар, тоштешалар пайдо бўлди. Неолит даври «тошболталар асри» ҳам дейилади.

Хунармандчиликнинг сопол буюмлар ясаш тармоғи вужудга келади. Шунинг учун бу даврни «сопол асри» ҳам дейишади. Неолит даврида ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклланиб бўлади. Бу инсоният эришган катта ютуқ

бўлиб, одамлар табиатга қарамликдан бутунлай қутиладилар. Жамоалар (уруғлар) озуқа излаб кўчиб, дайдиб юришдан ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтадилар. Доимий яшайдиган кулбалар, уйлар қуриш одамларнинг турмуш тарзига айланади, қишлоқлар вужудга келади. Неолит даврида одамлар ҳайвон терисидан тикилган кийимлар ўрнига жун ва ўсимлик толасидан тўқилган матолардан тикилган кийимлар киядиган бўладилар. Хунармандчиликда тўқимачилик, тикувчилик тармоғи ҳам пайдо бўлади.

Тўртинчи давр – энеолит, яъни мисдан қурооллар ясаш ўзлаштирилгани учун тош-мис даври дейилади, у милоддан аввалги 4 мингинчи йилларда юз берди.

Бешинчи давр – бронза, яъни мис ва қалай қотишмасидан меҳнат қурооллари ясаш ўзлаштирилган давр бўлиб, милоддан аввалги 3-2 мингинчи йилларни ўз ичига олади. Аждодларимиз милоддан аввалги 3 мингинчи йиллардаёқ мисга қалай аралаштириб бронза, яъни қаттиқ металл қотишмасини олишни, ундан пишиқ ва қаттиқ меҳнат қурооллари, қилич, ханжар, уй-рўзғор буюмлари, зебзийнат безаклари ясашни ўзлаштириб олдилар. Бу давр бронза даври деб ном олди.

Бронзанинг кашф этилиши металлургия хунармандларни, металлургия устахоналари ва заргарлик устахоналарини вужудга келтирди. Хунармандчиликнинг бу тариқа ихтисослашуви турли ҳудудлар ўртасида маҳсулот

¹ Усмонов Қ., Содиқов М., Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Т., 2005. – 24-б.

айирбошлаш, уларни иқтисодий жиҳатдан боғлайдиган алоқа йўлларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Милоддан аввалги бир мингинчи йиллар бошларида темирдан турли қуроллар ва асбоб-ускуналар яшашнинг ўзлаштирилиши натижасида темир асри бошланади¹.

Айрим ишлаб чиқариш жамоалари деҳқончилик билан, бошқалари чорвачилик ёки ҳунармандчилик билан шуғулланадилар. Улар ўртасида деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларини ўзаро айирбошлаш кенгайиб борди. Бу эса, ўз навбатида, савдогарлар табақасини, илк шаҳарларнинг муҳим белгиларидан бири сифатида бозорларни келтириб чиқаради. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида товар айирбошлаш юз берди, дастлабки шаҳарлар пайдо бўлди. Археолог олимларнинг сўнгги тадқиқотлари асосида фикр юритадиган бўлсак, Ўзбекистон ҳудудида бронза давридаёқ, милоддан аввалги 2 мингинчи йиллик ўрталарида кичик шаҳар давлатлари шаклланди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз одам пайдо бўлган илк минтақалардан биридир. Ватанимизда одамлар қарийб миллион йиллардан бери яшаб келмоқдалар. Улар ўз тараққиётида ибтидоий тўда, уруғ жамоасидан иборат узоқ тарихий йўлни босиб ўтдилар. Яшаш учун курашиб, оддий тош қуроллари яшадан металлни кашф этишгача, металлдан меҳнат қуроллари, уй-рўзғор ва турли хил безак буюмлари яшашгача кўтарилдилар. Яланғоч ҳолда яшашдан жун, пахта, пилла толасидан кийим тикиб кийишгача, ғорларда яшашдан уй-жой қуриш, қишлоқ-қишлоқ бўлиб яшашгача бўлган узоқ ижтимоий ривожланиш даврини бошдан кечирдилар.

Юқоридаги тараққиёт жараёни ҳунармандчиликнинг қанчалик қадимий фаолият соҳаси эканлигини кўрсатади. Ҳунармандчилик ўз тараққиёти жараёнида уй ҳунармандчилиги, буюртма ва бозорга асосланган ҳунарманд-

чилик шаклларини босиб ўтди. Ҳунармандчиликнинг бундай босқичларни босиб ўтишига ижтимоий меҳнат тақсимотлари катта туртки берган. Милоддан аввалги XVIII асрда Вавилон шоҳи Хаммурапи қонунларида темирчилар, қурувчилар, дурадгорлар, тош йўнувчилар, кўнчилар, кемасозлар ҳақида сўз юритилади. Ҳунармандлар кунбай тўлов асосида ишлаганликлари ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Қадимги Шарқ каби Қадимги Юнонистон ва Румда ҳам мустақил хўжалик юритилиб, буюртма асосида ва бозорга маҳсулот чиқараётган ҳунармандларнинг сони анчани ташкил этган. Бу эса жамиятнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий қатлам – шаҳар ҳунармандчилигининг пайдо бўлишига олиб келди. Шаҳар ҳунармандлари ерга боғлиқ эмас эдилар, шунинг учун улар кўпроқ товар-пул муносабатларига жалб қилинган эдилар. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви, ҳунармандлар касбий маҳоратларининг ошиши, уларнинг ихтисослашуви ва кўплаб янги ҳунар турларининг пайдо бўлиши анча мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш техникасининг ўзлаштирилишига олиб келди. Ҳунармандлар кенг кўламда такомиллашган қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик меҳнат қуролларини тайёрлай бошладилар. Бу эса бутун хўжалик ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳунармандчилик тараққиёти бозор иқтисодиёти пайдо бўлгунга қадар давом этди. Илк бозор иқтисодиёти даврида уй ҳунармандчилигининг салмоғи кескин камайиб, бозор учун ишловчи ҳунармандларнинг сони кўпайди. Кўпчилик ҳунармандлар ўз мустақилликларини йўқотиб, олиб-сотар савдогарларга боғлиқ бўлиб қолишди, кўп ҳолларда эса ўз уйида ёки йирик бадавлат-тадбиркорлар қўлида ёлланиб ишловчи – касаначига айланиб қолди. Саноат инқилобларидан кейин эса ҳунармандчилик маҳсулоти машинада ишлаб чиқарилган арзон фабрика маҳсулотлари томонидан сиқиб чиқарила бошланди. Шу пайтдан бошлаб ҳунарманд-

¹ Усмонов Қ., Содиқов М., Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Т., 2005. –24-б.

1-жадвал. Даврларро ҳунармандчилик тараққиёти

Даврлар	Ҳунармандчилик тараққиёти
Палеолит, сўнгги босқич	Ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, суяқдан тақинчоқлар яшаш вужудга келди.
Мезолит	Ўқ-ёй (камон), ирғитувчи найза қуроллари ясалди. Қоятош суратлари пайдо бўлди.
Неолит	Тош болта, пона, искана, кетмон-теша (мотига), тош мосламали суяк ўроқ, дон янчгич, сопол идишлар ясалди. Сувда сузиш мосламалари ясалди. Ип йигирувчи урчуқ, тўқув дастгоҳлари вужудга келди. Жун ва ўсимлик толасидан кийимлар тикилди. Ишлаб чиқариш ҳўжалиги шаклланди.
Энеолит	Мис кашф этилди, мисдан болта, ўроқ, найза учлари, ханжар қуроллари, тақинчоқ ва безак буюмлари ясалди.
Бронза	Бронза ихтиро қилинди. Металлдан болта, ўроқ, кетмон, теша, найза, пичоқ, қилич, ханжар, заргарлик буюмлари ясалди. Омоч, ғилдирак, арава ясалди. Устахоналар пайдо бўлди. Ҳайвонлардан транспорт сифатида фойдаланиш ўзлаштирилди. Ёрғучоқ, ўғур, чарх-урчуқ ясалди. Савдо алоқалари вужудга келди. Шаҳарлар пайдо бўлди.

чилик ўзининг ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳукмронлик мавқеини йўқота бошлади, аммо ишлаб чиқариш соҳасидан бутунлай йўқ бўлиб кетмади.

Мамлакатимиз ҳудудида режали иқтисодиёт даврида ҳунармандчилик тараққиёти умуман тўхтаб қолди. Бу даврда ҳунармандчилик маъмурий равишда сўндирилди. 1926 йили умумий аҳоли орасида якка деҳқонлар ва бирлашмаган ҳунармандлар 80,2 фоизни, ишчи ва хизматчилар эса 19,8 фоизни ташкил этган. Шу йилларда ҳунармандлар мажбурий тарзда артелларга бирлаштирилдилар ва саноатлаштириш тугаши билан юқоридаги кўрсаткич кескин ўзгариб, 1939 йилда ишчи ва хизматчилар сони 32,2 фоизга тенг бўлган, деҳқон ҳамда бирлашмаган ҳунармандлар эса 2,9 фоизни ташкил этган.

1956 йилда Иттифоқ ҳукумати «Ҳунармандлар кооперациясини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилди ва ҳунармандчилик маҳсулотларини турли техник воситалар, станоклар орқали ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб якка тартибдаги ҳунармандлар мажбурий тарзда ҳунармандчилик фабрикаларига бирлаштирилдилар. Натижада 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида банд бўлган аҳоли сони шу қадар кескин камайдики, бу кўрсаткич халқ ҳўжалигида банд бўлганлар умумий сонининг 0,1

фоизига ҳам етмади. Кейинчалик ҳунармандлар умуман ҳисоботга киритилмадилар.

Ҳунармандчилик маҳсулотлари фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига нисбатан салоҳияти кескин ўзгарди, меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳунармандчиликни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан миллий ҳунармандчилик соҳасининг эркин, демократик шароитларда ривожланишига жиддий эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 августда «Ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва жамғармаларни партия тасарруфидан чиқариш тўғрисида»¹ ва «Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасини тузиш тўғрисида»² фармонлари натижасида Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган ижодий уюшмалар, жамиятлар, уларнинг бўлимлари ва корхоналари ҳам партия тасарруфидан чиқарилди. Партия тасарруфидан чиқиб мустақил фаолиятни бошлаган республика ижодий уюшмаларининг моддий ва молиявий негизини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. // Т., 1991 йил 30 октябрь, 10-сон. –6-б.

² Ўша жойда, 18-19-б.

мустаҳкамлаш, уларнинг оилаларига маънавий, моддий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг бюджетидан 3 миллион сўм ажратилди¹.

Ўша пайтда иқтисодиётдаги таназзул ҳолати, мамлакатдаги ишсизлик даражасини инобатга олиб, республикада саноатлашган миллий ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

1992 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат «Маҳаллий саноат» корпорациясини ташкил қилиш тўғрисида»²ги фармони эълон қилинди. Республика халқ бадий ҳунармандчилиги саноат-савдо бирлашмасига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг шу бирлашмаси Давлат «Маҳаллий саноат» корпорацияси таркибига кирувчи Республика халқ бадий ҳунармандчилиги саноат-савдо концернига айлантирилди. Бу республика маҳаллий саноатини бошқаришни ташкил қилишни янада такомиллаштириш, тармоқда бозор муносабатларини кенг жорий этиш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиришда, халқ бадий ҳунармандчилиги буюмларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришда айна муддао бўлди. Шунингдек, бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришда, аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тарихий маълумотлар ҳунармандчилик турли таназзуллар, урушлар натижасида издан чиққан иқтисодиётни тиклашда муҳим роль ўйнаганлигига гувоҳлик беради. Режали иқтисодиётдан мамлакатимизга ҳам барчамизга маълум инқирозга юз тутган иқтисодиёт, бўшаб қолган пештахталар мерос бўлиб қолган эди. Ана шундай оғир пайтда маҳаллий хом ашёдан ҳар томонлама фойдаланиш ва аҳолининг иш

билан банд бўлмаган қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш муҳим вазифалардан бири эди.

Шунингдек, 1995 йил 24-25 октябрь кунлари Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандлари иштирок этган биринчи Республика ярмаркасининг ўтказилиши³ муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ярмарка хорижий мамлакатларнинг сайёҳларида қизиқиш уйғотди ва ҳунармандлар фаолиятига бўлган эътиборнинг ошишига кучли туртки бўлди.

1997 йилдан бошлаб ҳунармандчиликка бўлган эътибор янги босқичга кўтарилди.

Уй шароитида юксак савиядаги бадий ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқарётган халқ усталарига жойлардаги ҳокимликларнинг амалий ёрдами муҳим вазифалардан бири сифатида кўрсатилган. Ҳунармандлар беш йилгача даромад солиғидан озод қилиндилар, республикадан четга чиқариладиган халқ ҳунармандчилиги буюмлари учун бож тўлови олиш бекор қилинди. Бунинг натижасида норасмий фаолият олиб бораётган ҳунармандлар рўйхатга олиндилар, соҳа ривожланиш босқичига ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартда «Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатининг аҳамиятини ошириш, қўлда ишланган бадий буюмлар тайёрлашнинг асрий анъаналари ва ўзига хос турларини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республикамизда миллий маданиятни янада ривожлантиришга ҳамда истеъдодли шогирдларни тайёрлашга қўшган ҳиссани рағбатлантириш мақсадида 1998 йил 1 майда

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. // Т., 1991 йил 30 октябрь, №10. –18-19-б.

² Ўша жойда, 78-79-б.

³ «Халқ сўзи», 1995 йил 29 октябрь.

«Ўзбекистон Республикаси Халқ устаси» фахрий унвони¹ таъсис этилди.

Хунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати бугунги кунга қадар изчил олиб борилмоқда.

Хунармандларни қўллаб-қувватлаш борасида берилган солиқ имтиёзлари Президентнинг тегишли фармонлари билан 2017 йил 1 январга қадар узайтирилиб келинди. 2017 йил 1 январдан хунармандлар учун ҳам солиқ тўлови жорий этилди. Энди хунармандлар энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорда қатъий белгиланган солиқ тўлашлари белгилаб қўйилди². Бу солиқ тўлови республиканинг барча ҳудудлари учун бир хил белгиланган. Якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаригача бўлган миқдорда тўлашларини инобатга оладиган бўлсак, хунармандлар учун берилган солиқ имтиёзининг рағбатлантирувчи роли сезилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарори билан тасдиқланган Низомга киритилган ўзгартиришларга кўра хунармандчилик фаолияти турлари 42 тадан 34 тагача қисқартирилди.

Республикамизда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш, ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш учун институционал асос мавжуд. Институционал асос қадимдан мавжуд бугунги кунда мавқеи янада ошган «Уста-шогирд» мактаблари, хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган Республика халқ хунармандлари ва мусавирлари «Хунарманд» уюшмаси, Республика

«Тадбиркор аёл» уюшмаси, Республика «Усто» бирлашмаси, «Маҳалла» жамоат фонди фаолиятларида кўринадди. Бу институтлар мамлакатимизда хунармандчиликни янада ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар:

1. Халқ хунармандларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

2. Усталар ва хунармандларни моддий-техника ресурслари, асбоблар, кичик механизация воситалари билан таъминлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда, шу жумладан экспорт қилишда ёрдам беришни назарда тутган ҳолда уларга уйда ишлашлари учун шарт-шароитлар яратишда кўмак бериш.

3. Бозор талабларини ўрганиш ҳамда юксак бадий буюмлар тайёрлаш учун маҳаллий хом ашё ва материалларнинг янги турларидан фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш.

4. Мамлакат ичкариси ва чет элларда халқ усталарининг буюмларини кенг тарғиб ва реклама қилиш учун расмий материаллар ва каталоглар чиқариш, кўргазмалар ва кимовиди савдоларини ташкил этиш.

5. Халқ санъати анъаналарини сақлаб қолиш ҳамда юксак бадий буюмларни тайёрлаш кўникмаларини ёшларга сингдириш, моҳир усталарни тайёрлаш ва ҳоказолар.

Бу институтлар фаолиятини келажакда ҳам тўхтовсиз равишда кенгайтириб бориш лозим. Чунки бу институтлар хунармандчиликни ривожлантиришга ёрдам беради, хунармандчилик эса нафақат бизнинг республикамизда, балки бутун дунё мамлакатларида аҳолини самарали иш билан банд этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имкониятини берадиган соҳалардан биридир.

Бу борада Президент Ш.М.Мирзиёев: «Яқинда Ҳукумат мажлисида депутат ва сенаторлар иштирокида 2017 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Дастур 390 минг кишини

¹ «Ўзбекистон санъати». – Т.: «Шарқ», 2001. – 227-б.

² Тузатишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2699-сон қарори билан қабул қилинди.

доимий иш жойи билан, 200 минг кишини – қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини – шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлашни назарда тутди»¹, деб таъкидлади.

Яна бир муҳим масала бугунги кунда республика ёшларига миллий қадриятлар асосида, замонавий руҳда таълим-тарбия бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси 2016 йил 14 сентябрда янги таҳрирдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин далилидир. «Олдимизда турган энг муҳим ва долзарб масалалардан бири – юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат эканини барчамиз яхши тушунамиз»².

Бу борада миллий хунармандчилик замонавийлик билан уйғунлаштирилса айни муддао бўлади. Чунки бугунги глобаллашув даври замон билан ҳамнафас бўлишни тақозо қилади. Аммо бунда ҳар бир миллат ўзлигини, миллий урф-одат, қадриятлар ва маданиятини сақлаб қолиши зарур.

Шу мақсадда ЮНЕСКОнинг «Хунармандчилик маҳсулотлари учун сифат белгиси» Дастури қабул қилинган. Бу дастур миллий анъана ва қадриятлар, миллий хунармандчиликка хос малака ва маҳоратларнинг келажак авлодларга мерос бўлиб қолиши ва бардавонлигини таъминлаш учун инновацион усуллар билан миллий хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқараётган хунармандларни қўллаб-қувватлашни кўзда тутди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. / Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 21 октябрь.

² Ўша ерда.

«Хунармандчилик маҳсулотлари учун сифат белгиси» Дастури 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Бангкокдаги Минтақавий Осиё-Тинч океани бюроси ва АНПАДА – Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари хунармандчилигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ассоциациясининг ташаббуси билан қабул қилинган. 2004 йилдан Дастур Марказий Осиёдан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Жанубий Осиёдан Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Мальдив, Непал, Покистон ва Шри-Ланка давлатларини қамраб олди. 2006 йилдан эса «Сифат белгиси» дастури Шарқий Осиё – Хитой, Япония, Мўғулистон, Шимолий ва Жанубий Корея давлатларида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Марказий Осиёда ЮНЕСКОнинг «Хунармандчилик маҳсулотлари учун сифат белгиси» Дастурини САССА – Марказий Осиёда хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ташкилотлари ассоциацияси амалга оширади. Ўтган йилдан бошлаб Дастур Бутунжаҳон хунармандлар уюшмаси (ВРС) раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда.

Дастур қуйидаги вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган:

1. Хунармандчилик маҳсулотлари сифатини назорат қилиш учун ишончли механизмни яратиш ҳамда қатъий сифат стандартларини ўрнатиш.

2. Анъанавий миллий хунармандчиликка оид билим ва кўникмаларни сақлаб қолган ҳолда хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инновацион ёндашувни ривожлантириш.

3. Хунармандчилик маҳсулотлари маркетинги ва дизайнини такомиллаштириш, хунармандчилик маҳсулотлари бозорини кенгайтириш ва уларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида семинарлар ташкил этиш.

4. Хунармандчилик саноати барқарорлигини таъминлаш учун маркетинг хизматларини кўрсатиш.

Шунингдек, ҳунармандчилик кўп мамлакатлар қонунчилигида ва халқаро қонунчиликда анчадан бери ишлатилади. Бу БМТ, ЕИ, ЖСТ учун ягона термин ҳисобланади. Масалан, ЖСТда Товарлар савдоси (ГАТТ) ва хизматлар (ГАТС) бўйича 2 та йирик Бош битим мавжуд. Ҳунармандчилик товарлари ва хизматлари ушбу иккала битимга ҳам киритилган.

Ҳунармандчилик товарларига, масалан, қуйидагилар киритилган: бадий ва заргарлик буюмлари, мебель, кийим-кечак, пойафзал, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳоказолар.

Ҳунармандчилик хизматларига кийим-кечак ва пойафзал тикиш, атторлик ва бошқалар киритилган.

Демак, ҳунармандчилик тадбиркорлиги дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ривожлантирилмоқда, бунинг учун институционал асос мавжуд. Жумладан, республикамизда ҳам ҳунармандчилик тадбиркорлигини ривожлантириш учун керакли асос ҳамда йўл-йўриқлар етарли даражада. Эндиги вазифа мамлакатимизда инновацияларни қўллаган ҳолда миллий ҳунармандчиликнинг тараққиётини жадаллаштириш зарур. Бу ўз-ўзидан ҳунармандчилик маҳсулотлари экспортини оширишга олиб келади, ишсизлик даражасини пасайтиради, қолаверса аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиради. Зеро, буюк мақсадимиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдан иборатдир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. / Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 21 октябрь.
2. Усмонов Қ., Содиқов М., Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Т., 2005. -478-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. // Т., 1991 йил 30 октябрь, 10-сон.
4. «Халқ сўзи», 1995 йил 29 октябрь.
5. Ўзбекистон санъати. – Т.: «Шарқ», 2001. -227-б.